Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 20 FEVRAL, JUMA, 23 (7484) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

"УМИД НИҲОЛЛАРИ"дан УМИД КАТТА

Сирдарё вилоятида "Умид ниҳоллари – 2009" спорт мусобақалари мамлакат босқичига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг навбатдагиси Сирдарё вилоятида бўлиб ўтади. Бу ерда мазкур спорт байрамига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етиши, хусусан жисмоний чиниқиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратиб берилаётир. Бу борада анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари алоҳида ўрин тутади.

▲ СУРАТДА: *"Тошнефтгазқурилиш" ОАЖ қурувчиси Нуриддин ПОЁНОВ.*

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари мактаб ўқувчилари ўртасида спортни ривожлантириш, улар орасидан умидли спортчиларнинг етишиб чиқишига замин яратиш, спорт воситасида мамлакатимиз ёшларини жипслаштириш, дўстлик ва ҳамжиҳатлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Барча шаҳар ва туманларда мазкур спорт мусобақасининг ҳудудий босқичлари якунланди. "Умид ниҳоллари – 2009"нинг қуйи босқичларида 645 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этгани юртимизда ёш авлоднинг спортга қизиқиши тобора ортаётгани, мазкур мусобақалар қамрови кенгайиб бораётганидан далолат беради.

– Мазкур спорт анжумани арафасида вилоятимиздаги ўқув муассасалари, спорт иншоотларини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, мусобақаларнинг юқори савияда ўтиши учун зарур шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти филиали раҳбари Норбобо Соатов. – Мусобақаларнинг вилоятимизда ўтадиган якуний босқичида юртимизнинг барча ҳудудларидан сараланган 1792 нафар ўқувчи иштирок этади. Ушбу спорт беллашувлари ўтказиладиган иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, иштирокчиларни кутиб олиш, жойлаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида мутасаддди идора ва ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган.

Айни пайтда вилоятдаги бир қатор таълим-тарбия муассасалари, спорт иншоотларини мазкур спорт байрамига тайёрлаш, таъмирлаш ва реконструкциялаш ишлари давом этаётир.

"Умид ниҳоллари – 2009" спорт мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш тантаналари бўлиб ўтадиган Гулистон шаҳридаги марказий стадион тубдан таъмирланмоқда. Илгари 10 минг нафарга яқин томошабинга мўлжалланган ушбу иншоот кенгайтирилиб, ўриндиқлари тўлиқ янгиланди. Энди у 20 мингдан зиёд томошабинни ўз бағрига олади. Бу ерда бош пудратчи – Янгиер шаҳридаги "Электромонтаж" механизациялашган кўчма колоннаси мутахассислари фаол иш олиб бораётир. Шунингдек, стадионни реконструкциялаш ишларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 230 нафар уста ва қурувчилар сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН-ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ХУСУСИДА

18 февраль куни Душанбе шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлислари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Тожикистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Алимардон раислигида ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир, икки мамлакат манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эга долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Комиссиялар иши якунида томонлар, мазкур учрашув асрлар давомида яхши қўшни ва дўст бўлиб яшаб келаётган икки халқ пайдо бўладиган барча масалаларни бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳал қила олишининг яна бир далолати бўлди, деган хулосага келдилар.

(ЎзА)

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида 2008 йилда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари муҳокама этилди. Йиғилишда асосий эътибор Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берган вазифалар ижросига қаратилди.

ЙИЛ САРҲИСОБИ:

Якун ва режалар

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Жўқорғи Кенгес депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жаҳон молиявий инқирози кўплаб мамлакатларга ўз таъсирини ўтказаётган бир пайтда мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни сақлаш, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида 2008 йилда иқтисодиётнинг барқарор ва бир маромда ўсиш суръатлари таъминланди. Таркибий қайта ўзгартиришлар, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва технологик янгилаш ишлари изчил амалга оширилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 8,3 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,5, истеъмол моллари 15,2, чакана савдо айланмаси 19, пуллик хизмат кўрсатиш 16,5 фоиз ортди.

2008 йилда 800 миллиард сўм миқдорида инвестиция жалб этилиб, бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 103,8 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестиция ва кредитлари миқдори икки-уч ҳисса ортди.

Ўтган йили Қорақалпоғистонда 63 ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди. Ана шу мақсадлар учун 47 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Пахта тозалаш, дон маҳсулотлари ва ёғ-мой корхоналарида модернизациялаш лойиҳалари амалга оширилди. Қурилиш соҳасида газ-сув тармоқларини тортиш, турар-жойлар, мактаб, лицей, коллеж, қишлоқ врачлик пунктларини қуриш бўйича йиллик режа тўлиқ бажарилди.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминловчи омиллардан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 58,6 фоизга, хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ҳиссаси 55,6 фоизга етди. 325 сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди. Янги иш ўринларининг 83 фоизи кичик бизнесни ривожлантириш орқали ташкил этилди. Маҳаллий корхоналарнинг экспорт кўрсаткичлари 161 фоизни ташкил этди.

Кўрилган қатъий чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича манзилли дастурда белгиланган топшириқлар ортиғи билан уддаланди. Мева-сабзавот етиштириш ҳажми 20-25, гўшт-сут етиштириш ўртача 8 фоизга кўпайди.

Мажлисда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам таъкидланди.

Ўтган йили капитал сармоялар ҳажми 2007 йилга нисбатан Нукус туманида 44,6 фоизни, Чимбой туманида 47,5 фоизни, Кўнғирот туманида 70,2 фоизни, Тахтакўпир туманида 79,5 фоизни ташкил этгани ачинарлидир. Ушбу туманларда сўнгги беш йил мобайнида бирорта ишлаб чиқариш иншооти ёки қўшма корхона ташкил этилмади.

Шуманай, Тахтакўпир, Қораўзак ва Нукус туманларида ҳам бу борадаги кўрсаткичлар пастлигича қолмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сервис, хизмат кўрсатиш ҳамда касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Беруний, Кегейли, Кўнғирот, Нукус, Хўжайли туманларида ва Нукус шаҳрида бундай субъектлар камайиб кетишига йўл қўйилган.

Ўтган йили етиштирилган полиз-сабзавот маҳсулотларининг 10 фоизи, сут маҳсулотларининг 35 фоизи қайта ишланган холос. Чунки, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фақат Тўрткўл ва Нукус туманларида, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона эса Кегейли туманидагина мавжуд.

Йиғилишда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида амалга ошириладиган долзарб вазифалар батафсил кўриб чиқилди. Жойларда, аввало, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш, томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш, аҳоли пунктларини замонавий қурилиш-меъморчилик лойиҳалари тасдиқлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов сўзга чиқди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Тарқалаётган

Пахтакор тумани машина-трактор паркида созлаш-таъмирлаш ишлари қизғин. Яқинда сифатли таъмирланиб, механизатор ва фермерлар ихтиёрига топширилган 300 та чопиқ трактори, 110 та чигит экиш сеялкаси, 209 та культиватор ва 200 мажмуа сихмолалар ўрнига энди 19 та "Кейс" ва 4 та "Клаас" русумли ғалла ўриш комбайнлари таъмирга тортилди.

ТЕХНИКА ШАЙЛИГИ — ДЕҲҚОН ХОТИРЖАМЛИГИ

Айни пайтда уларнинг кўпчилиги аллақачон созланиб, ишлатиб ҳам кўрилди. Масалан, тажрибали механизатор Нормамат Ўролов комбайнини ўримга шайлаб қўйганига 10 кундан ошди. Операторлар Ўткир Бозоров, Шуҳрат Эсонқуловларнинг кўп йиллик тажрибалари ҳамкасбларига асқотмоқда.

— Эҳтиёт қисмлардан танқислик йўқ, сервис хизматидан нолимаймиз, – дейди туман машина-трактор парки раиси Рўзмон Завқиев. — МТПда 52 нафар созловчи-таъмирловчи меҳнат қилмоқда. Таъмирлаш ишлари қизғин паллада ҳар бир созловчига мукофот, моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Айни дамда Зокир Яхшибоев бошлиқ "Бекзод" фермер хўжалигининг 2 та "Клаас"и аллақачон таъмирланиб, синов "машқ"ларидан ҳам ўтказилди. Хуллас, 3-4 кун ичида барча ғалла комбайнлари мавсумга шай қилиб қўйилади.

— Мамлакатимиз Президентининг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шарофати билан бу йил туманимизда ғалла майдонлари бултургидан қарийб 1000 гектарга кенгайди, — деди фикрини давом эттириб сўхбатдошимиз. — Шундай экан, ўрим-йиғимга ҳар қачонгидан пухта тайёрланмасак, бўлмайди. Комбайнларни созлаб бўлгач, ҳосил ташишда қатнашадиган автомобиллар ва тракторлар эгалари ҳузурига борамиз. Ахир, уларнинг ҳам техникалари соз туриши керак-да. Зарур бўлса, таъмирлаймиз, бошқа ёрдам керак бўлса берамиз. Бу ердан сўнг пахта териш машиналаримизни созлашга киришамиз.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Жиззах вилояти

Кунгина муҳим воқеалари

○ Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси кўмагида тайёрланган итальян тилидаги "Uzbekistan oggi" («Ўзбекистон бугун») деб номланган рангли журналнинг биринчи сони «Атес Графика» нашриёт уйи томонидан чоп этилди. Унда ўтган йилда юртимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларида юз берган энг муҳим воқеаларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинган.

○ Пойтахтимиздаги маданият ва санъат кўргазма залида "Таълим ва мутахассислик" тўртинчи халқаро кўзгазмаси иш бошлади. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

○ Деҳлида 36-Умумжаҳон маркетинг конгресси бўлиб ўтди. Тадбир Ҳиндистон Менежмент ва маркетинг институти томонидан мамлакат ҳукумати, Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатнинг Савдо палатаси, Саноатчилар уюшмаси, «PHD» савдо-саноат палатаси ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг Ҳиндистондаги элчихоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

○ Андижон шаҳрида жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар мавзуида семинар бўлиб ўтди.

○ Кегейли туманидаги "Халқобод" шаҳарчасида 17 турда колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхона ишга тушди. Натижада, 25 киши иш билан таъминланди. Корхона Австриядаги "Norbert Schaller Gmbh" компаниясининг умумий қиймати 300 минг евро миқдоридаги замонавий ускуналари билан жиҳозланди. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнлари компьютерлар ёрдамида бошқарилади.

МАНГУЗАРДА БАҲОР НАФАСИ

Термиз туманидаги Мангузар маҳалласида "Юртимизни боғу бўстонга айлантирайлик!" шиори остида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

Бу хайрли ва савоб ишда маҳалла аҳли билан биргаликда вилоятдаги қатор корхона, ташкилот ва муассаса ходимлари қатнашмоқда. Қисқа вақт ичида маҳалладаги кўчалар тартибга келтирилди, ариқлар тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

— Бирлашган ўзар, деб шуни айтадилар-да, — дея гап бошлади 80 ёшли нуроний отахон Нормурод бобо Чоршаев. — Шаҳримиз, туманимизнинг қаерига борманг ана шундай эзгу ва савоб ишларнинг устидан чиқасиз. Тозалик, озодалик, ободончилик бор жойда ризқ-рўз бўлади.

Дарвоқе, биргина тиббиёт билим юртидан ҳар куни юзлаб ўғил-қизлар ва ўқитувчилар дарсдан бўш вақтларида шаҳар ҳамда унга туташ ҳудудлардаги кўчалар ва аҳоли турар-жойларини саранжомсаришта қилишда фаоллик кўрсатишмоқда. Ўқувчилардан Баҳриддин Тангиров, Дилноза Чориева, Илҳом Бўриевлар шаҳардаги Бобур боғи, Темур Мирзаев, Шароф Рашидов кўчаларида юқори унум билан меҳнат қилишган бўлса, Термиз Давлат университети ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари жамоалари ҳам ободонлаштириш ойлигида фаол иштирок этмоқдалар.

— Бу савоб ишларнинг ташаббускорлари "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят Кенгаши бўлиб, унда ҳудуддаги барча ташкилот, корхона, муассаса, ўқув юртлари ва маҳаллалар иштирок этишмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги ижтимоий-иқтисодиёт котибияти мудири Зоир Тўлаганов. — Биргина Термиз шаҳридан 5 мингдан ортиқ киши, 30 га яқин техника ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этилган. Бу кенг кўламли ишлар Наврўз умумхалқ байрами олдидан ўзгача тус олмоқда.

Ҳа, қадимий Сурхон эли яратиш, яшнатиш фасли баҳорни ана шундай кўтаринкилик билан кутиб олмоқда. Зеро, кўкламни меҳнат билан кўркам қилган элнинг доимо ошиғи олчи, дастурхони тўкин, турмуши эса янада фаровон бўлади.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

* * *

СУРАТЛАРДА: *ободонлаштириш иштирокчилари, кекса отахон Нормурод ота Чоршаев набираси билан.*

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Сурхондарё вилояти

Навоий шаҳрида замонавий кўриниш касб этган деҳқон бозори фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ БОЗОР ИШГА ТУШДИ

"Навоий қурилиш-монтаж" корхонаси томонидан бу ерда қурилиш-пардозлаш ишлари қисқа муддатда якунланди. "Саховат" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли ушбу бозорда 1 минг 300 дан зиёд савдо ўрни мавжуд. Бундан ташқари, 34 та янги озиқ-овқат дўкони барпо этилди. Эски дўконлар қайта таъмирланди. Гўшт, сут, тухум, балиқ маҳсулотлари ҳамда зираворлар билан савдо қиладиганлар учун санитария-гигиена талабларига тўла жавоб берадиган алоҳида павильонлар, қулай расталар қурилди.

– Бозорларимизда нозне ъматларнинг тўкинлигини таъминлаш ҳамда нарх-наво асоссиз ўсишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Саховат" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Жумамурод Каримов. – Шу мақсадда янги бозорда электрон тарозилар ўрнатилиб, харидорлар учун барча қулайликлар яратилди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Навоий вилояти

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Галлабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

"Бўронбобо" фермер хўжалигига кириб борганимизда вақт пешиндан ўтганди. Фермер хўжалиги ҳовлисида ҳамма ўз ўй-ташвиши билан банд. Бизни фермер Самандар ака Бўронов очиқ чеҳра билан қарши олди ва хўжалик ҳаёти билан таништиришга киришди. — Айни пайтда 130 гектар ер майдонимиз бўлиб, унинг асосий қисмига буғдой, 5 гектар ерга эса мана ўзингиз кўриб турган чорвамиз учун озуқа — беда экканмиз, — дейди фермер.

Илғор фермер — тартибли солиқ тўловчи

Ерга меҳр бериб, меҳнат қилаётган ғаллакор фермер даласида унган бир текис ям-яшил буғдой майсаларини кўриб кўз қувонади. Янги ташкил этилган чоғроққина боғда униб-ўсаётган ёш ниҳоллар ҳадемай кўклам келса, илк ҳосил нишоналари билан меҳнаткаш деҳқонларни сийлайди.

Ушбу фермер хўжалиги Қоракўл туманидаги ташкил этилган илк фермер хўжаликларидан бири саналади. Қилаётган меҳнатлари зое кетмаётганидан ғайрат-шижоати янада ортган фермер бугунги кунда чорвачилик соҳасида ҳам анчагина тажриба орттиришга улгурди. Хўжаликда 1996 йилда бор-йўғи 20-25 бош қорамоли бўлган бўлса, бугунги кунда 15 бош Россиядан келтирилган зотли бузоқ, 40 бош қорамол, 36 бош бузоқ, 30 бош от парвариш қилинаётир.

Фермер хўжалигининг унумли фаолияти ҳар бир аъзонинг салмоқли улуши бор. Ҳамма ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажариб, ғайрат билан меҳнат қилади. Ишчилар учун дам олиш хоналари ва иссиқ овқат таъминоти ташкил этилгани, ойлик маош ўз вақтида берилгани боис кундан-кун иш унуми ортиб бормоқда.

Хўжалик иқтисодини юксалтиришда фермер хўжалиги раҳбари Самандар акининг укаси, хўжалик иш юритувчиси Ўктам Бўроновнинг ҳам хизмати сингган. У Голландия, Франция, Бельгия сингари дунёнинг ривожланган давлатларида бўлиб, фермерлик фаолиятини ривожлантириш, соҳага янги технологияларни киритиш борасидаги янгиликлар билан танишиб қайтди. Орттирган тажрибасини хўжаликда татбиқ этиб, уни нафақат туман, балки республика миқёсида энг илғор фермер хўжаликларидан бирига айлантириш ниятида. Агар Ўктам аканинг хўжаликда янги технологиялар асосида сутни қайта ишлайдиган мини заводи бунёд этиш тўғрисидаги режаси амалга ошса, нафақат хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамланиши, балки туман аҳолисининг сут маҳсулотларига бўлган талаби қондирилиши ҳам тайин.

Қишлоқ мулкдори

Ушбу фермер хўжалиги тумандаги энг намунали солиқ тўловчилардан бири саналади. Ўтган йил давомида хўжаликда 34 миллион 753 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилди. 8 миллион 462 минг 700 сўм соф даромад олинди. Натижада, хўжалик томонидан 5 миллион 126 минг сўм миқдорида солиқ ва тегишли тўловлар бюджетга тўланди.

— Ўз фаолиятида олға интилишни кўзлаганга қарздорлик ярашмайди, — дейди Самандар ака. — Қолаверса, бюджетга тушадиган солиқ тўловлари пенсионерлар, талаба ёшларнинг корига ярайди. Шу боис, бу тўловларни асло кечиктирмасликка ҳаракат қиламиз.

Тараққиёт сари дадил одимлаётган "Бўронбобо" фермер хўжалигининг келгусидаги режалари бисёр. Амалдаги йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланиши яратувчанлик кайфиятида меҳнат қилаётган фидойи фермерларга ғайрат-шижоат, кўтаринкилик бағишлади. Эл-юрт равнақи йўлида астойдил тер тўкаётган фермерларимиз сони ортиб бораркан, келгусида дастурхонимиз янада тўкин, турмушимиз тобора фаровонлашишиб боришига шубҳа йўқ.

Зулфия ХАЛИЛОВА,
Ҳамроз АЛИ.

Бухоро вилояти

"УМИД НИҲОЛЛАРИ"дан УМИД КАТТА

(Боши 1-саҳифада)

Гулистон педагогика коллежига қарашли юз ўринли ётоқхона ва ошхона, уларнинг коммуникация тизимларини таъмирлаш ишлари ҳам жадал давом этаётир. Бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ҳудудидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда. Коллежнинг юз ўринли ётоқхонаси, ошхона ва спорт залига янги, замонавий эшик ва дераза ромлари ўрнатилди, ювиниш хоналари кошинланди. Коллеж стадиони ҳам қайта таъмирланиб, янги чим ётқизилди.

Ана шундай қурилиш ва таъмирлаш ишлари Гулистон давлат университети, академик лицей, қурилиш, тиббиёт ҳамда 2-педагогика коллежларида ҳам юқори суръатда олиб борилмоқда. Гулистон шаҳар теннис кортининг биринчи ҳамда иккинчи спорт манежларида ҳам иш қизғин давом этаётир.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида сирдарёлик ёшлар ҳар доим юқори натижаларни қўлга киритиб келган. Мезбонлар бу йилги баҳсларда вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган.

Мусобақада Сирдарё вилоятидан 12 спорт тури бўйича 128 нафар ўғил-қиз иштирок этади. Улар орасида мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари бор.

– Ўтган йили Теҳрон шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгалладим, – дейди Боёвут туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Сарвиноз Қурбонбоева. – Бу Юртбошимизнинг биз, ёшларга қаратаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги самарасидир. "Умид ниҳоллари – 2009" мусобақаларида ҳам юқори ўринларни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Бугун вилоят марказидаги кўча ва хиёбонлар, боғ ва майдонларда кенг қамровли ободончилик ишлари бажарилаётир. Буларнинг барчаси мазкур ёшлик ва спорт байрамида қатнашиш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрадиган ўқувчи-спортчилар, мураббий ва мутахассислар, меҳмонларда яхши таассурот қолдириши шубҳасиз.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.
Муҳаммад АМИН *(ЎзА)* олган суратлар.

Сирдарё вилояти

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, асал етиштириш учун қулай шароит ва имконият яратилган. Бу эса халқимиз дастурхонида мазкур неъматнинг янада мўл бўлишига хизмат қилмоқда.

АСАЛНИНГ КЎПИ ҲАМ ЯХШИ

Ҳозир юртимизда икки мингга яқин асаларичи фаолият юритмоқда. Асаларичиликни янада ривожлантириш, маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини оширишда Ўзбекистон Асаларичилар ассоциациясининг муҳим ўрни бор.

Ассоциация раҳбари Сарвар Исломхўжаевнинг айтишича, юртимизда етиштирилаётган асалнинг асосий қисми Навоий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Жиззах вилоятида асаларичиликни ривожлантириш имкониятлари катта. Вилоятда фаолият юритаётган элликка яқин асаларичи ҳар йили истеъмолчиларга 35 тоннадан зиёд маҳсулот етказиб бераётир.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган 150 нафар асаларичининг ҳар бирида ўртача 150 асалари ойласи мавжуд. Ўтган йили Тошкент ва пойтахт вилоятида уч юз тоннадан ортиқ асал тайёрланди. Ушбу маҳсулот шаҳар бозорларида ташкил этилаётган анъанавий "Асал байрами" савдо-ярмаркалари орқали аҳолига арзон нархларда етказиб берилаётир.

Йигирма йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Турсунхўжа Тожихўжаевнинг асал қадоқлаш цехида тайёрланган маҳсулот Россия, Қозоғистон ва Туркия каби қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

YETTI-IQLIMDAN BIR SHINGIL

САРИҚ ДЕНГИЗДА ТЎҚНАШУВ БЎЛАДИМИ?

Шимолий Корея Жанубий Корея билан урушга тайёрлигини расман маълум қилди. АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтоннинг Жанубий Кореяга расмий ташрифига бир неча соат қолганида расмий Пхеньян шундай мазмунда баёнот берган.

Бунгача Америка-Жанубий Корея ҳарбийларининг ҳамкорликда ҳарбий-тактик амалиётлар ўтказишга доир режаси Пхеньян томонидан кескин танқид қилинган эди. КХДР расмий вакиллари ушбу амалиётлар яриморолда уруш оловини авж олдириши ва ҳар икки давлат учун "жуда қимматга тушиши" ҳақида қатъий тарзда фикр билдирган эдилар. Жорий йилнинг 30 январь куни Пхеньян Жанубий Корея билан имзоланган барча тинчлик келишувларини биртомонлама тартибда бекор қилганидан сўнг, КХДР томонидан бундай мазмундаги айбловлар янада кўпайди. Аслида Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўта совуқ бўлиб, 1953 йилдан буён бу икки мамлакат деярли уруш шароитида яшаб келмоқда. Сеул Пхеньянга жавоб қайтаришга шошилмаётган эди. Лекин шу йилнинг февраль ойи бошида Пхеньян узоқ масофага учувчи ракеталарни учиришга тайёргарлик ишлари бошланганини маълум қилгач, Жанубий Корея ўз сархадлари мудофаасини кучайтиришга киришди. Жанубий Корея президенти Ли Мен Бак мамлакат армияси қўмондонлиги ва разведка хизмати раҳбарлари иштирокида тезкор кенгаш ўтказгач, ҳарбий денгиз хизмати Сариқ денгизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий тўқнашувларга тайёр туриш ҳақида буйруқ олди.

Ракета учириш синовлари БМТнинг қатор резолюцияларига зид экани ҳақидаги огоҳлантиришларга жавобан Пхеньян ўз космик дастурини амалга оширишга ҳақли эканини таъкидлаб келмоқда. АҚШ давлат котиби Японияга ташрифи чоғида Пхеньяннинг хатти-ҳаракатларини нотўғри, деб баҳолаб, бордию, КХДР ўз ядровий дастурини ёпган тақдирда АҚШ билан мусобатлари изга тушиши ва унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши мумкинлиги таъкидлаб ўтди.

КХДР эса ўз навбатида ядровий дастурлар муҳокамаси ядровий қувватга эга давлатлар иштирокида муҳокама этилишини талаб этган ҳолда ўзини ҳам шундай давлатлар сирасига киради, деб ҳисобламоқда.

БХУТТОНИНГ ҲАМКОРЛАРИ ТАЪҚИБ ОСТИДА

Покистоннинг собиқ бош вазири марҳума Беназир Бхуттонинг маслакдошлари мамлакат президенти Асиф Али Зардари томонидан таъқиб остига олинмоқда, дея хабар бермоқда The Daily Telegraph нашри.

Маълумки, Асиф Али Зардари Бхуттонинг ўлимидан сўнг Покистон халқ партиясини бошқаришга киришди ва кейинроқ мамлакатга президент бўлди. Маълумотларга кўра, кейинги пайтда Бхуттонинг партиядаги ҳаммаслаклари Сафдор Аббосий ва унинг хотини Нажидхонга (2007 йилда Б.Бхуттога суиқасд уюштирилганда у шу аёлнинг қўлида жон берганди) нисбатан турли даражадаги интизомий чоралар қўлланилмоқда. Бу сиёсатдан эр-хотинлар томонидан Зардари фаолияти бир неча бор танқид остига олинган эди. Уларнинг фикрича, партиянинг ҳозирги раҳбари Покистон халқ партиясини бошқаришда марҳума Бхутто томонидан белгиланган сиёсий тамойиллардан чекинмоқда. Бундан ташқари, яқинда Б.Бхуттонинг яна бир ҳамкори мамлакат вазирлар маҳкамасининг собиқ аъзоси Аитсоз Ахсан партия фаолиятида жорий этилган ички тартибларни бузганликда айбланиб, партия ижроия қўмитаси аъзолигидан четлатилди. Зардари тарафкашлари Б.Бхуттонинг жияни, Покистон халқ партияси асосчиси Зулфиқор Али Бхуттонинг набираси Фотима Бхуттонинг жамоатчилик олдидаги обрўсини туширишга уринишмоқда. Тахминларга кўра, Зардари юқоридаги тўрт сиёсатдоннинг ҳар бирини ўзининг сиёсат майдонидаги рақиби, деб билади ва шу боисдан уларнинг пайини қирқишга уринмоқда.

ШИМПАНЗЕ УЧУН КАМПИР ЖАВОБГАР(МИ?)

Американинг Коннектикут штатида рўй берган ушбу даҳшатли воқеа айни кунда жамоатчиликнинг диққат марказида турибди.

Гап шундаки, 70 ёшли Сара Херолд исмли кампирга тегишли Трэвис лақабли шимпанзе кампирнинг дугонаси 55 ёшли Карла Неш исмли аёлга ташланиб, унинг кўзлари, бурни ва кекирдагини ғажиб ташлаган. Жабрланувчи тирик, лекин ўта оғир аҳволда. Маймунни Сара бир неча йилдан бери боқади, бунгача жонивор ҳеч кимга ташланмаган. Аксинча, Трэвис бир нечта реклама роликларида суратга тушган, бекасининг ўнлаб кўрсатмаларини бекаму кўст бажаришга ўргатилган экан. Сара ушбу воқеа юзасидан кўрсатма бераётиб, дугонаси меҳмонга келишидан олдин жониворга Хапах дори воситасидан озгина ичиргани ҳақида "гуллаб" қўйганди. Маълум бўлишича, бу препаратни жониворга бериш ҳақида ветшифокорнинг тавсияси мавжуд эмас, устига-устак, дори қутисида унинг қўлланилиши агрессия ҳолатини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш ёзилган экан. Эртасигаёқ, Сара кампир эсини йиғиб олди, яъни олдинги кўрсатмасидан воз кечиб, шимпанзега дори бергани ёлғонлигини таъкидлаб туриб олди.

Маймун Карлага ташланиши билан Сара полицияга қўнғироқ қилган. Тезда манзилга етиб келган полициячилар қутурган жониворни отиб ташлашган. Ҳозирда маймунга таланган жабрдийданинг тақдири шифокорларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Сара кампирнинг тақдирини эса суд ҳукми ҳал қилади. Шимпанзенинг қилмиши учун кампир қамалиши ҳам мумкин.

▲ "Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ — ИСТИҚБОЛГА БОШЛАЙДИ

Нурота! Номдор полвонлару олимлар, моҳир чорвадорлару эпчил чавандозлар, ҳунармандлару санъаткорлар ва бахшилар етишиб чиққан замин бу!

Нурота шаҳрига қадам босган киши, албатта, бу ердаги мўъжизавий Чашма обидасини зиёрат қилишга шошилади. Кейинги йиллар давомида Чашма зиёратгоҳи бир неча марта қайта таъмирланди, ҳордиқ ва зиёрат масканига айлантирилди. Нуроталик ҳунармандлар ясаётган тақинчоқлар, сопол буюмлар, кўзалар, миниатюра санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган тарихий музейда Нурота тумани ҳудудидан топилган мис танга ва идишлар, бир неча минг йиллик жиҳозлар ва буюмлар ҳамда аждодларимиз қийинчиликлар ва буюмлар ҳамда аждодларимиз кийинчиликлар ва буюмлар ҳамда аждодларимиз кийинчиликлар ва буюмлар ҳамда аждодларимиз к

Бозорларимиз – ҳаётимиз кўзгуси, кишилар турмуш тарзининг бир кўринишидир. Дарҳақиқат, бозор оралаб ўша заминда етиштирилаётган зироатлару шу эл кишиларининг омилкорлиги, инсоф-диёнати, одамгарчилигигача хулоса чиқариш мумкин. Тарихий манбаларда ёзилишича, Хива бозорлари асрлар оша қулай ўринларда жойлашганлиги, унда карвонсарой, махсус бостирмали савдо расталари бўлиши, кечалари соқчилар ёрдамида қўриқланиши билан Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳар бозорларидан фарқ қилган.

ҚОЗОНДА БОРИ ЧЎМИЧГА ЧИҚАДИ

деҳқон ва чорвадор меҳнати бозорни тўкин қилади

Хива бозори ўтмишда хиваликлар тилида "иккинчи бозор" деб аталиб, бундан 120-130 йилча олдин Ичанқалъанинг Полвон Дарвозаси ёнида жойлашган бўлиб, тўрт гектарга яқин майдонни эгаллаган. XIX асрнинг 70-йилларида шаҳарда 400 та савдо-сотиқ дўкони, карвонсаройнинг ўзида 105 та савдо расталари, ҳар бири учтадан 30 тагача дўкондан иборат 15 та Чорсу мавжуд бўлган. Бугунги Хива бозорида расталар, савдо ўринлари, дўконлар замон талабларидан келиб чиқиб янгиланган. Сотувчи ва харидорлар учун йил сайин қулайликлар вужудга келтирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, Истиқлол йилларида бозор қиёфаси тубдан ўзгарди, янги-янги маҳсулот турлари билан бойиди. Замонавий талаблар асосида кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Хива – вилоятимизнинг юзи. Унга ҳар куни дунёнинг кўпгина мамлакатларидан юзлаб сайёҳлар ташриф буюришади. Меҳмонларимизнинг бозорларимизга қизиқиши, воҳа тупроғида пишиб етилган олма, нашватиларни, тилими тил ёрар қовунларни, узуму анорларни харид қилиши турган гап.

Хизмат

Хиваликлар мева, сабзавот етиштиришда ўзига хос мактаб яратган деҳқонлардан саналади. Вилоят аҳолисининг бир қисмини улар сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари билан таъминлайдилар. Шунингдек, туманда ташкил қилинган 817 та фермер хўжалигининг 162 таси пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган. Қолганларининг аксариятини чорвачилик, боғдорчилик, балиқчилик ва сабзавот-полизчилик йўналишидаги кичик жамоалар ташкил этади. Бозорда ташкил қилинган 529 та ўриннинг 179 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишга ажратилган.

– Қўшимча томорқа берилгани биз деҳқонларга айни муддао бўлди, – дейди сайётлик деҳқон Пўлат ака Саидов. – Ҳар йили илкимиздаги майдонлар ҳисобидан 6 тоннадан ошиқ сабзи, пиёз сотаман. Ойланинг барча каму кўстини шулар тўлдиради. Ўтган йили 4,5 тонна пиёз етиштирдик. Уни ўртача 700 сўмдан сотяпман. Бу ёғини ўзингиз ўйлаб кўраверинг. Бозорда барча шарт-шароитлар яратилган.

Хива бозори чин маънода воҳа ҳаётининг кўзгуси. Гўё расталарда халқимизнинг ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, тўқувчилик, телпакдўзлик, тикувчилик, ганчкорлик, дурадгорлик, темирчилик каби санъати намойиш қилинаётгандек. Моҳир усталар қўлида сайқал топган буюмлар бу ерга келаётган хориждлик сайёҳларга ҳам манзур бўлаётганини кузатиш мумкин. Хуллас, ҳафтанинг олти кунида ҳам Хива бозорида ҳаёт қайноқ, савдо-сотиқ авжида.

– 36 нафар ишчи-хизматчиларимизнинг бари бирдек ишнинг муваффақияти учун қайғуради. Қанчалик арзончилик бўлса, харидорлар шунча кўп келишади, – дейди бозор раҳбари Отажон Ражабов. – Биз бунинг учун фақат қишлоқдан сотувчилар келишини кутиб ўтирмаймиз, бозоримиз қошида тайёрлов савдо корхонаси ташкил қилинган бўлиб, мавсумда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан 15 тонна картошка, 17 тонна пиёз, 40 тонна сабзи келтириб, сақлаб қўйгандик. Улар аҳолига бозор баҳосидан анча арзон сотилмоқда. Боғдорчилик, чорвачилик, сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари билан шартнома имзолаб, маҳсулотларини шу ерда сотилишини қатъий назорат қилаётганлигимиз ҳам мўлқўлчилик ва арзончиликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хуллас, Хива бозорида бир кун бўлган киши бу ердаги маҳсулот турлари ва миқдорининг кўплиги, нисбатан арзонлиги, харидор ва сотувчилар ўртасидаги муомалани кўриб, барча соҳаларда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳаётимизга катта таъсир кўрсатаётганлигини тўла-тўкис англаб етса ажаб эмас.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Музаффар МИРЗО олган суратлар.

Хоразм вилояти

Ер хазина

меҳр, эътибор ва меҳнат унинг калити

Жорий йил ҳосили учун 8955 гектар майдонда ғалла, 15856 гектар майдонда пахта етиштиришни мақсад қилган мингбулоқлик фермерлар мавсумий агротехник тадбирларни қизғин давом эттиришмоқда.

Туман экин майдонларининг асосий қисми Сирдарёнинг чап қирғоқ минтақасида жойлашган. Суғорилиб экиладиган майдонларнинг аксарияти шўрхок, шўртоб ва қумлоқ ерлардан иборат. Бу эса бўз ерларга нисбатан икки, баъзан уч ҳисса ортиқча куч, маблағ сарфланишига олиб келади.

– Кузда сифатли шудгорланган экин майдонлари аввалига оби-тобида текисланади, – дейди биз билан суҳбатда Охунбобоев ирригация тизимлари бошқармаси бошлиғи Олимжон Умаров. – Тупроқнинг ҳолатига қараб, бир маротабадан уч маротабагача шўр ювиш тадбири ўтказилади. Жорий йилда Мингбулоқ тумани бўйича жами 16250 гектар ерда бир маротаба, 4271 гектар ерда эса икки маротаба, 200 гектар майдонда эса уч маротаба ернинг шўрини ювиш режалаштирилган. Айни кунларда иккинчи шўр ювиш ишлари қизғин бормоқда. Бу муҳим агротехник тадбирга 218 нафар тажрибали сувчилар жалб этилиб, уларга қулай иш шароити яратиб берилаяпти. Натижада, кунига ўрта ҳисобда 110-120 гектар атрофидаги ерда ушбу тадбир амалга оширилмоқда.

– Ўтган йили 40 гектар ерда ғўзанинг "С-65-24" навини парваришладик, – дейди "Назарали" фермер хўжалиги раҳбари Сирожиддин Шойназаров. – Сув танқислигига қарамай 110 тонна саноат хомашёси хирмони бунёд этдик. Бунинг сирини ер шўрини ювишга алоҳида эътибор қаратганлигимизда деб биламан. Яъни, ушбу тадбир ердаги намликни узоқ вақт сақланиб туришида муҳим омил бўлади. Натижада, ердан бир текис униб чиққан ғўза ниҳоллари шоналаб, гуллаб, ҳатто, битта-иккита кўсак олгунча чанқамади. Ғўза пайкалларига йил давомида икки марта сув тараб, кўзлангандан ҳам кўра ортиқ ҳосил олишга эришдик. Шу боис жорий йилда ҳам ушбу агротехник тадбирга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

– Жорий йилда Мингбулоқ туманида жами 562 километрлик мелиорация ишлари амалга оширилади, – дейди Мингбулоқ тумани "Қорақалпоқ" мелиорация тизимлари бошқармаси бошлиғи Одилжон Эрмирзаев. – Шу мақсадда 29 та турли русумдаги экскаватор ишламоқда. Улар ёрдамида кунига ўртача ҳисобда 4-5 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланаётир. Айниқса, Хитой давлатидан келтирилган замонавий экскаваторлар иш унумини оширмоқда.

Мелиорация

– Ўттиз беш йилдан буён экскаваторчилик қиламан, – дейди Маматвали Жумабоев. – Турли русумли экскаваторларда ишладим. Аммо янги, замонавий техника жоннинг ҳузури экан. Кунига ўртача ҳисобда 400-500 метр зовурларни тозалаяпмиз.

– Айни кунларда вилоятимизда шундай экскаваторлардан 14 таси ишлаб турибди, – дейди Наманган вилояти гидрогеология мелиорация экспедицияси бошлиғи Баҳодир Охунов. – Яқин кунлар ичида яна йигирмата ана шундай замонавий техникалар олиб келинади. Президентимизнинг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси натижасида ўтган йилнинг ўзидаёқ вилоят бўйича 22432 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Мингбулоқ туманидаги "Қорақалпоқ" зовурининг олти километри таъмирланди. Ўн тўққизта лойиҳа бўйича 1018 километр узунликдаги зовурларда таъмирлаш, тиклаш ишлари амалга оширилди. 66 та мелиоратив қудуқ, 13 та гидропост, 171 та кузатув қудуқлари таъмирланиб, ушбу ишларга 2115 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бу борадаги ишлар кўлами жорий йилда янада кенг қулоч ёзмоқда. Поп туманидаги "Қорақалпоқ" зовурини 18,5 километр узунликдаги қисми, Норин туманидаги "Юқори ЛТ" зовурини 97,58 километр узунликдаги қисмини, шу тумандаги "Хўжаобод-2" насос станциясини таъмирлаш ҳамда Учқўрғон туманида иккита янги мелиоратив тик қудуқни қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, 21 та лойиҳа бўйича 1036 километрликдаги зовурларда тозалаш, таъмирлаш, тиклаш ишлари ҳам амалга оширилади. Бўлардан ташқари, 11 та гидропост, 85 та кузатув қудуқлари, 71 жойда қувурли ўтиш қисмларини пасайтириш, 54 та тик дренаж қудуқларини таъмирлаш ишлари ҳам режалаштирилган.

Ерга меҳр кўрсатилса, озроқ эътибору парвариш бўлса, ўз хазинасини очади. Буни унутмаган, нафақат унутмаган, балки иш дастури, меҳнат тамойилига айлантирган деҳқоннинг доимо ҳосили мўл, қадди тик бўлади. Давлатимиз томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилишини деҳқонларимиз ғамхўрликнинг амалий ифодаси деб билишмоқда. Ва унга муносиб жавоб қайтаришга астойдил ҳаракат қилишаётир.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Наманган вилояти

"ТОШКЕНТ ЭКОЛОГИЯСИ: МЕНИНГ УЙИМ – МЕНИНГ ШАҲРИМ"

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва "ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган "Тошкент экологияси: менинг уйим – менинг шаҳрим" шиори остида ўтказиладиган қўшма тадбирлар дастури қабул қилинди.

Мазкур дастурни амалга ошириш юзасидан "ЭКОСАН" халқаро ташкилотида учрашув бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимияти, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ободонлаштириш бош бошқармаси, Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, "Махсустранс" корхонаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва уларнинг барча туман бўлимлари ҳамда бошқа қатор тегишли ташкилотларнинг мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган мақсад пойтахтимиздаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, пойтахт маҳаллаларида экологик ва санитар-гигиеник ҳолатларни янада яхшилаш, бунга маҳаллалар аҳлини кенгроқ жалб қилиш ва уларни рағбатлантириш, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш, ёшларни Тошкент шаҳри атроф-муҳити муҳофазасига кенгроқ жалб этиш, бу йўналишдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Миркарим МИРСОВУРОВ

Китоб туманидаги "Севинч" савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси эл эҳтиёжини қондириш, ишчи ўрни яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу ишларда фирманинг ишбилармон ва тадбиркор раҳбари Мавжуда Сатторова алоҳида ғайрат-ташаббус кўрсатаяпти.

"СЕВИНЧ" ЭЛГА СЕВИНЧ УЛАШАДИ

Шаҳрисабздан Китоб туманига қадам қўйишингиз билан йўлнинг чап томонидаги замонавий бино эътиборингизни ўзига тортади. Бу "Севинч" савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси бўлиб, у ўзининг тажрибали фаолияти билан барчага намунадир.

– Иш бошлаганимизга салкам саккиз йил бўлди, – дейди Мавжуда опа. – Дастлаб ширинликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу билан уч ишчи ўрни яратдик. Бир йил ўтиб эса Россиядан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган дастгоҳ келтирилди. Натижада, етти киши иш билан таъминланди. Изланишлар, янгиликка интилиш ўз самарасини бермасдан қолмас экан. Биргина 2007 йилда янги ишлаб чиқариш цехига асос солинди. Салкам 6 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари эл дастурхонига тортиқ этилди.

Тадбиркорлик

Албатта, фирма жамоаси бунга ўз-ўзидан эришмади. "Микрокредитбанк"нинг туман филиалидан олинган 6 миллион 200 минг сўм кредитга замонавий ускуна келтирилиб, монтаж қилинди. Бу эса бир кеча-кундузда бир тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Фирма жамоаси Гулистон-Улуғбек айланма йўлидан 15 сотих ер олиб, бу ерда икки қаватли бино барпо этди. Унда ўрнатилган ИКО-130 русумли ускунада бир кеча-кундузда 1,5 тонна нон ишлаб чиқарилади. Хориждан келтирилган 4 та контейнер-совутқичда шартнома асосида фермер ва деҳқон хўжаликларининг маҳсулотлари сақланади. Миллий банкдан олинган 50 миллион сўм кредит эвазига барпо этилган ушбу замонавий цехда барча шарт-шароитлар яратилган.

– Мен бу ерда саккиз йилдан буён ишлайман, – дейди нон ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Муқаддас Эшбоева. – Замонавий технология билан ишлашнинг гашти бошқача бўлар экан. Уларни ўрганишда андижонлик технологларнинг ёрдамига суяндик. Айни пайтда Солиҳ Қодиров, Жасур Раҳматов, Азамат Раҳматов сингари ишчиларимиз топширилган ишни бекаму кўст бажаришмоқда.

Фирманинг меҳнат жамоаси учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий бино. Яна давом этаётган бунёдкорлик ишлари... Жумладан, янги цех қошида сартарошхона ва пойабзални таъмирлаш устахоналари каби маиший хизмат бинолари қад ростлади. Шунингдек, Наврўз умумхалқ байрами арафасида янги савдо дўкони, "Музқаймоқ" кафеси фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Сирасини айтганда, нон ва савдо мажмуаси янгидан қўшимча 50 ишчи ўрни яратади. 2009 йилнинг охиригача Шаҳрисабз шаҳрида кондитер маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон қурилиб, ишга туширилади. 2008 йилда савдо тушуми қарийб 5,5 миллион сўмни ташкил этган бўлса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да бу рақам 6,5-7 миллион сўмга етади. Бу эса, ўз навбатида, хайрли ишларга янги эшиклар очади.

– "Севинч" фирмаси, унинг фидойи ва эл-парвар раҳбари Мавжуда Сатторовадан миннатдормиз, – дейди МФЙ раиси Маҳмуд Султонов. – Маҳалламиз учун янги бино қурилишида ҳам улар ёрдамларини аяшмади. Қандай, қайси масалада кўмак сўрасак, биринчилардан бўлиб "лаббай" деб жавоб беришади.

Эл-юрт коригa яраган инсонлар номи доимо фахр-ифтихор билан тилга олинади. Зеро, изланган, янгиликка интилиб, эртанги кун ташвиши билан яшаб, меҳнат қилишнинг гашти, завқ-шавқи ҳам ана шунда.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қашқадарё вилояти

РИШТОН ТУПРОҒИДАН ЗУВОЛАСИ ЖАРАНГЛАЙДИ ЧИННИ ПИЁЛАСИ

Помир-Олой тоғ тизмалари этакларидаги адирликларга туташиб кетган Риштон қадимдан маҳоратли кулоллари билан машҳур. Боиси бу ер тупроғининг кулолчилик буюмлари тайёрлаш учун жуда мос ва хослигидир. Риштоннинг қизғиш, сершира соз тупроғидан неча асрлардан бери уй-рўзғор буюмлари, тандирлар тайёрлаб келинмоқда. Энг муҳими, туман қишлоқларида ана шу соз тупроққа ақл зиёси, қалб қўри ва кўз нурини бахш этган ҳолда ишловчи қўли гул кулоллар авлоди шаклланиб боряпти. Кўп йиллардан бери фаолият юритаётган Риштон кулолчилик буюмлари заводи маҳсулотлари эса мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир.

Ана шундай бой табиий ресурс, замонавий дастгоҳ ва конвейер усулида ишловчи технология тизимини ўрнатиш ва ишга солишга кўмаклашдилар. Барча ишлар қисқа вақт ичида сифатли бажарилди.

Мана, бир йилдан ошдики, Риштон чинни буюмлари заводининг харидоргир маҳсулотлари мамлакатимиз бозорларига пешма-пеш чиқарилмоқда. Бу ерга ишга қабул қилинган элликдан зиёд маҳаллий йигит-қизлар чиннигарлик касби сир-асрорларини тез орада ўрганиб олишди. Чиннисозликнинг нозик сирларини қисқа вақт ичида пухта ўзлаштириб олган Маъмуржон Мадаминов, Жамилахон Эргашева, Нодиржон Ўринбоев, Сойибжон Ҳамидов сингари Риштон чиннисозлари ёш авлоди вакиллари сидқидилдан меҳнат қилиб, ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишмоқда. "Маржона", "Райҳон", "Камола", "Феруза", "Чеҳра", "Нигина", "Тўмарис" номли сервиз жамланмалари янги корхонанинг юзкўзи бўлиб қолди. Чой, қаҳва ичишга мўлжалланган сервизлар хили 15 тадан ошиб кетди. Уларнинг ҳар бирида олти донадан 50 донагача хилма-хил, нафис чинни буюмлар бор. Шунинг учун кўп ҳолларда харидорлар савдо шохобчаларидан Риштон чиннисозлари меҳнати натижаси бўлган ана шундай буюмларни сўрашади. Улар сифати ва безатилиши бобида Хитойда ва Европанинг айрим мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган шу турдаги чинни идишлардан асло қолишмайди, тўй-олам-олам қувонч билан қайтдилар. Эндигина бир йиллик иш тажрибасига эга бўлган янги корхонада ишлаб чиқарилаётган чинни буюмлари кўргазмада барчанинг эътиборини тортди ва юқори баҳоланди. Корхона маҳсулотлари кўргазманинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Фарғона вилояти

Қишнинг қаҳри кетиб баҳор нафаси сезилаяпти. Бободеҳқон экиш мавсумига тайёргарлик кўраяпти. Бу йил 238 минг тонна юқори навли пахта етиштиришни мақсад қилган сирдарёлик пахтакорлар 110,7 минг гектар ерга чигит экадилар.

САРА УРУҒ – ТЎЛИҚ КЎЧАТ КАФОЛАТИ

Уруғ сара, сифатли бўлса, кўчат тўлиқ униб чиқиши ҳаммамизга маълум. Шу боис сифатли уруғ тайёрлаш ҳамиша мутахассисларнинг диққат-эътиборида.

– Бу йил вилоятимизда 5200 тонна уруғлик чигит тайёрлашни режалаштирганмиз, – дейди "Сирдарёпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси уруғчилик бўлими бошлиғи Тошмуҳаммад Айматов. – Бирлашмамиз уруғлик чигит тайёрлайдиган корхоналарида сифатли уруғни вақтида тайёрлаш учун барча чора-тадбирларни ишга солаяпти. Уруғлик чигитни саралаш, калибровкадан ўтказиш ва тайёрлаш жиҳозларнинг, ускуналарнинг замонавийлигига боғлиқдир. Ўтган йили "Бахт" пахта тозалаш корхонаси таркибида янги уруғлик чигит тайёрлайдиган цех ишга тушди. Бу цехда Испаниянинг "Юбус" ускуналари ўрнатилди.

"Малек" уруғчилик корхонасида ҳам ана шундай юқори унумли, ишончли ускуналар ўрнатилган. Ишчиларга яхши шароитлар яратиб берганимиз боис, унумдорликка эришдик. Айни пайтда, "Малек" уруғчилик корхонасида "Ан-Боёвут-2" чигит нави 2500 тонна, "Бахт" уруғчилик корхонасида "С-65-24" ва "Оқдарё" нави 2400 тонна ҳамда Марказий Осиё уруғчилик компаниясида 300 тонна "Оқдарё" нави экишга тайёр.

Тайёрланган уруғлар алоҳида қоғоз қопларга солиниб, тикилиб, уларга ёрлиқлар ёпиштирилади. Унда чигит нави, сертуклиги, вазни, тайёрланган вақти кўрсатилади.

"Бахт" пахта тозалаш корхонасининг янги замонавий цехининг иши билан танишдик.

– Янги ускуналар ўрнатилгани иш самарадорлигини ошираяпти, – дейди цех бошлиғи Ҳаит Акрамов. – Бу ускуна чигитни саралайди, сифатсизини чиқариб ташлайди, шикастланганини ўтказмайди. Ишчиларимиз Б.Мавлонов, С.Ҳолиқов, М.Йўлдошев, Х.Комилов, Э.Холдоровлар меҳнат унумдорлигини оширишда барчага ўрнак.

– Уруғлик пахтанинг сифати ҳамиша мутахассисларимиз назоратида, – дейди вилоят Давлат уруғчилик назорат маркази бошлиғи Маматқул Исаев. – Биринчидан, уруғнинг генетик софлиги ва уруғнинг навдорлиги учун жавобгармиз. Шунинг учун барча корхоналарда мутахассисларимиз бор. Давлат стандартлари, тозалаш, сақлаш меъёрий талаблари асосида назорат қилиб турибмиз. Тайёрланган уруғликка мувофиқлик сертификати ёзилади. Уруғларнинг аралашиб кетмаслиги олдини олиш мақсадида ҳар бир уруғни битта заводда тайёрлашни йўлга қўйдик.

Тадорик

– Бирлашмамиз қошида 43 та уруғлик чигит тарқатиш шохобчалари ташкил қилганмиз, – дейди уруғлик бўлими бошлиғи Тошмуҳаммад Айматов. – Ҳар бир шохобча 2 тадан транспорт воситаси, ишчилар билан таъминланган. Уруғчилик бирлашмасининг тақсимоти билан биз керакли навли уруғларни шохобчаларга етказиб берамиз.

Ҳадемай деҳқон далага отланади. Яхши ният билан барака уруғи қадайди. Бу эзгу ишларга хизмат кўрсатиш ташкилотлари камарбаста бўлаётир.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сирдарё вилояти

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

"ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН" ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ЛОТ № 1 ОБЪЕКТГА ТАКРОРАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 1. Зангиота туманидаги "Аччисой" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 36,26 км., бажариш муддати – 5 ой).

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти томонидан молиялаштирилади.

***Танлов ташкилотчиси* – "MELIOKONSALTING" масъулияти чекланган жамияти.**

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Чо Мен Хи кўчаси, 13-уй. Тел/факс: (+99898) 303-58-79.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"MELIOKONSALTING" масъулияти чекланган жамияти**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: ***Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 18-уй. Тел/факс: (8-371) 241-14-89.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 (юз минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоларининг эълони матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Руҳият манзиллари

Тафтазоний мероси

Бўлажак буюк муҳаддис, валийлар иқлимининг султони, замонаси донишмандлари пешвоси Саъдиддин Тафтазоний ҳозирги Туркманистоннинг Нисо музофотидаги Тафтазон деган жойда зиёли Мавлоно Муҳаммад оиласида 1322 йили туғилган. Дастлабки билимини замонасининг буюк олимлари ал-Ижий, Қутбиддин ар-Розийлардан олиб, сўнг мустақил мутолаа билан илмини оширган.

Марв ва Сарахс мадрасаларида таҳсил кўрган Тафтазоний дастлабки илмий рисоласини 16 ёшида Эроннинг Фарийдун шаҳрида битган. Шундан сўнг у Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқиб, Нишопур, Урганч, Туркистон, Ҳирот, Ғиждувон, Жом, Марв, Самарқанд, Сарахс шаҳарларида бўлган. Тафтазоний ўзи борган шаҳарларда ўнлаб мусофирхоналар, хонақоҳ, масжид, мадрасалар қурдирган. Жумладан, ул зот Хуросоннинг Сарахс шаҳрида қурдирган шайх Абулфайз Ҳасан мадрасаси бу музофотнинг ягона исломий олийгоҳи сифатида жуда машҳур бўлган.

Саъдиддин Тафтазоний Шарқ исломшунослиги ҳамда тасаввуф тарихида "Шариҳи уламо — мусофирлар пешвоси" номини олган. Чунки у киши илк "Талхис-ул-мафотиҳ" (1352) дан тортиб умрининг охиригача "Қуръони карим" ҳамда ислом назарияси, фиқҳ, тасаввуфга доир йигирмадан зиёд асарларга муфассал шарҳлар битганлар. "Китоби эҳзор", "Шарҳи рисолаи Шамсия", "Шарҳи танких", "Шарҳ ақоид", "Рисолаи кабир-ул-иршод дар илм нахв", "Мақосид-ул-калом", "Мифтоҳ-ул-улум" шарҳи сингари рисолалари шулар жумласидандир. Буларнинг нодир нусхалари Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Шарофиддин Роқимий "Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон салтанати даври ва давлати рўзғорида ифода маснадида эди. Кўплаб истеъдодли сўз усталари, мумтоз фозиллар унинг идроки шамъи партавидан дониш чироғини ёққанлар. Кўп ғаввослар маънолар дурлари ва сўз лаълларини унинг хаёли хазинасидан йиғиб олганлар" деб ёзиб қолдирган. Бошқа сарчашмаларда ҳам Тафтазонийнинг ўнлаб ёшларга устозлик қилгани таъкидланган. (Ш.Роқимий, Тарихи томм, "Маънавият", 1998, 21-бет). У Шарқда калом илми, билиш назарияси, умуман ислом фалсафаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган. У Улуғбек даври Самарқанд илмий муҳитининг тахкурсисини яратган аллома сифатида алоҳида шуҳратга эга.

Аллома умрларининг охирги йиллари Самарқандда ўтказиб, сафар пайтида Сарахсда 1392 йили вафот этган ва ўзлари қурдирган мадраса ёнидаги қабристонга дафн этилган.

Юқоридаги асарларидан ташқари Саъдиддин Тафтазоний турли мазҳаблар тарихи, фиқҳ ва тасаввуф тариқатлари ҳақида яна "Мўъжаз иборалар ва мухтасар маънолар аёни", "Шарҳи дар таълифи фатвои-ул-ҳанафия" (1384-1385), "Шарҳи мифтоҳ-ул-фиқҳи шофиия" (1388), "Шарҳи талҳизи жомеъи ҳанафия" (1389), "Шарҳи Кашшоф" (1390) сингари ўнлаб асарлар яратган. Бу рисолалар ислом дини тарихи, "Қуръони карим", Ҳадиси шарифлар моҳиятини билишда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга; улар ислом дини ва тасаввуф муносабатларининг кўп жиҳатларига аниқлик киритишга, муайян мазҳаб ҳамда тасаввуф робиталарини ўрганишга жиддий ёрдам беради.

Манбаларда олимнинг илм-фан хилма-хил муаммоларига бағишланган "Ас-Саъдия", "Таҳзиб ал-мантиқ вал калом", "Ал-мутаввол", "Мухтасар ал-маиний", "Ал-Муршод ал-Ҳодий". "Ал-Мақосид ал-толибин" сингари рисолалари ҳам тилга олинади. Умуман, Тафтазоний элликка яқин турли тафсирлар ҳамда илмий рисолалар муаллифи ҳисобланади. Олимнинг "Ал-мақосид ал-толибин" ("Талабаларнинг мақсади") асари услубий моҳиятга эга бўлиб, мадрасаларда турли билимларни ўқитиш йўл-йўриқлари, назарий асослари кўрсатилган. Тафтазоний илмий мероснинг юртимиз ислом олийгоҳларида ўрганилиши, аксарият китобларининг яратилиши ўлкамиз турли шаҳарлари билан боғлиқлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори.

УЕФА КУБОГИ 1/16 ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИДА

ФУТБОЛ

Европа яшил майдонларида УЕФА кубоги нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Кўпчиликда қизиқиш уйготган Россиянинг "Зенит" ҳамда Германиянинг "Штутгарт" жамоалари ўртасидаги учрашувда петербургликлар яққол устунлик билан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Москванинг ЦСКА жамоаси эса Англияга сафар қилиб, "Астон Вилла" жамоаси билан 1:1 ҳисобидаги дуранг натижага эришди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Брага"–"Стандард" 3:0, "Ольборг"–"Депортиво" 3:0, "Пари Сен-Жермен"–"Вольфсбург" 2:0, "Олимпиакос"–"Сент-Этьен" 1:3, "Вердер"–"Милан" 1:1, "Динамо К."–"Валенсия" 1:1, "Неймеген"–"Гамбург" 0:3, "Сампдория"–"Металлист" 0:1, "Бордо"–"Галатасарай" 0:0.

"ҚИРОЛ АРТУР" РИНГГА ҚАЙТМОҚДА

БОКС

Спортда улкан ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистон довруғини дунёга танитган боксчимиз Артур Григорян шу йил 24 февраль куни мураббий эмас, балки боксчи сифатида рингга чиқиб, жанг ўтказадиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, WBO йўналишининг енгил вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони, 42 ёшни қаршилаган Артур Григорян профессионал боксчилик фаолиятини 1994 йил бошлаган, 1996 йилда WBO чемпионлик камарини қўлга киритиб, 8 йил давомида, яъни то 2004 йил ўз фаолиятини якунлагунга қадар уни ўзида сақлаб келган. Профессионал боксчилик фаолияти давомида 38 та жанг ўтказиб, атиги бир маротаба мағлубиятга учраган.

Германиянинг "Universum Box-Promotion" промоутерлик компанияси билан бир неча йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келаётган Артур боксчилик фаолиятини тугатганидан сўнг мазкур спорт ташкилотида мураббий сифатида фаолиятини давом эттираётган эди. Бокс оламида "Қирол Артур" дея катта ҳурмат билан тилга олинадиган спортчимиз 24 февраль куни "Universum Box-Promotion" промоутерлик компанияси юбилейи шарафига ўтказилаётган бокс кечасида иштирок этади. Яъни, бу чемпионлик жанги эмас, шунчаки шоу. 6 раундда иборат ушбу жангда "Қирол Артур"га болгариялик боксчи Киркор Киркоров рақиблик қилади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Божхона

"Сариқ шайтон" шайдолари"

Тилла ва заргарлик буюмларини "Сариқ шайтон" ҳам дейишади. Айрим кимсалар унинг ноқонуний савдосидан мўмай даромад орттиришга уринниб, қинғир ишга қўл урадилар.

Республикамиз божхоначилари тилла буюмларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш йўлида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Тошкент вилоятидаги "Навоий" божхона пости ходимлари қўшни давлатдан юртимизга кириб келаётган фуқаро Н.Қаландарованинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланиб, уни божхона назоратидан ўтказишди. Натижада, ушбу аёл эгнидаги пальтонинг ички чўнтагида божхона баённомасида кўрсатилмаган, қиймати қарийб 6 миллион сўмлик, вазни 150 граммдан ортиқ қимматбаҳо тақинчоқлар яширib олингани аниқланди.

Ушбу пост ходимлари яна бир шунга ўхшаш ҳолатда қўшни давлат фуқароси Г.Шакурбановани божхона назоратидан ўтказишганда ушбу аёл ҳам заргарлик буюмларини эгнидаги курткасининг ёқа қисмига устомонлик билан жойлаштириб олганлиги ошкор бўлди. Қонунбузардан нархи қарийб 22 миллион сўмлик, вазни 620 граммни ташкил этувчи қимматбаҳо тақинчоқлар ашёвий далил сифатида олинди.

Қўшни давлат фуқароси Ф. Атаджанованинг хатти-ҳаракатлари эса бундан ҳам ошиб тушди. У ҳали вояга етмаган ўғли К.Розбаевнинг кийиб юрган оёқ кийими ичига қиймати қарийб 6 миллион сўмлик, вазни салкам 130 грамм қимматбаҳо аёллар тақинчоқларини яширганча божхоначиларга чап бермоқчи бўлган экан. Лекин унинг найранги божхоначилар томонидан фош этилди.

Истамбулдан учиб келган фуқаро М. Темирбаева ҳам қиймати 4 миллион сўмдан ортиқ бўлган, 250 граммга яқин заргарлик буюмларини божхона баённомасида кўрсатмасдан олиб кирмоқчи бўлганида Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

"Бели бақувват" қонунбузар

Республикамиз божхоначилари нақд хорижий валюталарнинг юртимиз чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олдини олиш йўлида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Яқинда Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари шу каби қонунбузарликларни аниқлашди. Шаржа сафаридан қайтган фуқаро М. Юлдашев божхона баённомасини тўлдирар экан, ўзи билан ҳеч қандай нақд хорижий валюталарни олиб келмаётганлигини қайд этади. Аммо унинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланган божхона ходимлари уни шахсий кўрикдан ўтказишади. Натижада, у 9100 АҚШ долларини белига боғлаб олганлиги ошкор бўлди.

Москвага учиб кетаётган Россия фуқароси О. Чемаркина божхона назоратидан ўтказилганда ушбу аёл божхона баённомасида кўрсатилмаган 2500 евро миқдоридаги хорижий валютани, шу йўналиш бўйича учиб кетаётган Р.Темирбулатов эса 30 минг россия рублини юртимиздан яширинча олиб чиқмоқчи бўлишган.

Тўкин дастурхонимиз кушандалари

Республикамиз божхоначилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда

Жиззахлик божхоначилар айланма йўлларда ҳаракатланаётган "МТЗ-80Х" русумли тиркамали тракторини божхона текширувидан ўтказишганда, унга фуқаро И.Санаевга тегишли 7 тонна сабзи маҳсулоти юкланганлиги аниқланди. Суриштирув давомида ушбу маҳсулотлар республикамиздан ташқарига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганлиги ошкор бўлди.

Яқинда, Сирдарё вилояти божхоначилар йирик миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрабандасига чек қўйишди. Айланма йўлда ҳаракатланаётган К. Газиев бошқарувидаги "Камаз" русумли юк автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унда 21 турдаги 13 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортилганлиги маълум бўлди. Суриштирув давомида ушбу маҳсулотлар фуқаро И. Насировга тегишли эканлиги ва улар қўшни республикага олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

Вилоят божхоначилари шунга ўхшаш яна бир ҳолатда 3 та "Зил" юк автомашинасига ортилган фуқаро И. Эрбаччаевга тегишли 14 тоннага яқин олмаларни айланма йўллар орқали ноқонуний равишда четга олиб чиқилишининг олдини олишди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Фарзандингизнинг ИММУНИТЕТини кўтаринг

Фарзандингиз тез-тез шамоллаб турадими? Демак, унинг иммунитети сусайган бўлиши мумкин.

Болалар иммунитети пасайгани оқибатида тез-тез касалланадилар. Фарзандингиз иммунитетини табиий йўл билан кўтаринг. Антибиотиклар кучли таъсир этувчи воситалар бўлиб, фақат шифокор тавсияси билан қабул қилиниши керак. Чунки кўплаб бактерияларни йўқ қилса-да, лекин вирусларни йўқ қилолмайди. Маълумки, айнан вируслар нафас йўлларининг кўплаб инфекцияларини чақирувчи асосий омил деб саналади. Агар болада вирусли инфекция бўлса, антибиотиклар ёрдам бермайди. Хўш, унда қандай манбалар бола иммунитетини кўтаришга хизмат қилади?

Иммунитет функциясини яхшилашга йўналтирилган энг мақбул парҳезни қуйидаги уч сўз билан ифодалаш мумкин: мувозанат, хилма-хиллик ва меъёр.

Мувозанат – боланинг кундалик озиқланишига барча гуруҳдаги маҳсулотлар, шу жумладан, мева-сабзавотлар, дон-дун, сут маҳсулотлари, гўшт, полиз маҳсулотлари киритилиши керак.

Хилма-хиллик – ҳар бир озиқ-овқат гуруҳидаги турли маҳсулотларни яъни, мева ҳамда сабзавотларнинг ҳар хил турларини истеъмол қилиш керак.

Меъёр. Ҳаддан ташқари кўп ёки кам маҳсулот истеъмол қилиш иммун тизими учун зарарли. Ҳамма нарса меъёрда бўлиши лозим.

Қандай омиллар бола иммун тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин? Бунга кенг тарқалган омиллар: стресс (жисмоний ва эмоционал, яъни салбий руҳий ҳолатлар.

Уйдаги стресс, диққинафаслик ҳолатлари ва уйқуга тўймаслик ҳам бола иммунитетини заифлаштириб, уни шамоллаш касалликларига (грипп, ўткир респиратор касалликлар) берилувчан қилиб қўяди.

Албатта, болани жисмоний машқ, тўғаракларда қатнашишига шароит яратиш мақсадга мувофиқдир. Тушки, кечқурунги овқатдан сўнг албатта, ёш бола ҳовлида, кўчада, очиқ ҳавода сайр қилиши, қандайдир меҳнат билан шуғулланиши лозим.

Яхши овқатланиш саломатликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир. Боланинг кундалик озиқланиш таркибини С витамини (олча, олма, апельсин, узум, ўрик ва ҳоказо), А витамини (тухум, сут, дон ва бошқалар), Е витамини (олма, қовоқ, товуқ гўшти, ўсимлик ёғлари) бор маҳсулотлар билан бойитинг. Бу кўрсатилган маҳсулотлар иммун тизими учун айниқса фойдалидир.

Тоҳир ИБРАГИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат кадастрлар ягона тизим бошқармаси томонидан СП "UZDUTCH CHEESE CO LTD"га берилган серия № TS № 000859 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 13.02.2009 йилда Гайфуллина Наргиза Хашимовна номига берилган № 473 рақамли 018 форма маълумотномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "RIZAEVA MASTURA" хусусий корхонаси Устав жамғармаси 2 300 000 сўмдан 111 451 сўмга камайишини билдиради. Даъволар 726-27-67 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ер тузишни рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат муассасаси томонидан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Чорсу буюм бозори" 21-23 қатор, 422-дўкон учун Ибрагимов Нозим Баходирович номига берилган № 10484/2004 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 288-ўрта мактаб томонидан 2005 йили Султонов Дилшод Суннатиллаевич номига берилган O'R-A 1543340 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП "MAGISTRAL-QURILISH" (ИНН 205161259) сообщает о преобразовании в ООО и переименовании ЧП "MAGISTRAL-QURILISH" в ООО "TOSHMINERALSUV". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.Буюк Ипак йўли, дом 160 "А".

СП ООО "NEFTMASHSOZLIK" (ИНН 205651939, ОКОНХ 95130) (оптовая торговля) Хамзинского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 800 000 долларов США до 715 000 долларов США. Тел.: 244-33-57.

ЧП "STROY KORPUS GLOBAL" (ИНН 300521561), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского района г.Ташкента (реестр № 003065-4 от 25.07.2007 г.) расположенное по адресу: г.Ташкент, М.Улугбекский район, ул.Буюк Ипак йўли, 42., ликвидируется (решение учредителя № 2 от 18.02.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ЧП "STRIKER DRIVE" (ИНН 205954347), расположенное по адресу г.Ташкент, 1-туп Дархан, 8, уменьшает Уставной фонд с 8 110 000 сум до 10 000 сум, согласно решения собственника от 27.01.2009 г. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, 1-туп Дархан, 8. Тел.: 237-56-52.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Руломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ
Мусаҳҳих: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.00
20017 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

1 2 3 4 5 6 7 8